



Хизматлар соҳаси ривожланса, аҳоли бандлиги таъминланади

**24 июнь куни халқ депутатлари вилоят Кенга-
шининг олтинчи сессияси ўтказилди.
Сессияни Кенгаш котибияти мудирини З.Каримов
бошқарди.**

Дастлаб депутатлар томонидан вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил харажатларини мақбуллаштириш, Кенгашнинг ўтган йил 30 декабрдаги "Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўйлаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида"ги қарорининг 3-иловасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорлар кўп қаватли уйлари бошқариш фаолиятини амалга ошириш қўйдалари ҳамда Кенгашнинг иккинчи ярим йиллик иш режаси тасдиқланди.

Вилоятда фуқаролар йиғинлари раислари сайловининг якунлари юзасидан вилоят фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси **Ф.Ташев** ахборот берди.

Ахборотда таъкидландики, жорий йилнинг 16-27 май кунлари вилоятдаги 1126 маҳаллада сайлов ўтказилди. Аҳоли томонидан муносиб деб топилган маҳалла раисларининг 354 нафари илгари ушбу вазифада ишлаган, 772 нафари биринчи марта мазкур лавозимга сайланди.

Сессияда **Каттақўрғон шаҳар ҳокими Г.Алимова** хизматлар соҳасини ривожлантириш ишларининг аҳоли тўғрисида ҳисобот берар экан, жорий йилнинг 7 июнь куни Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилишда айtilган - шаҳарда яратилган янги иш ўринлари салмоғи режага нисбатан

анча пастлиги сабабларига тўхталди.

Нуробод тумани ҳокими Ш.Йўлдошевнинг туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботида келтирилишича, фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган хизмат кўрсатиш объектларида хизматлар ҳажмини камайтириб кўрсатиш, иш ўринларини яшириш ҳолатлари кузатишмоқда. Шунинг учун жорий йилда "ноль" ҳажм кўрсатган 116 та, кам ҳажм кўрсатган 155 та, бир ишчи ходим билан ишлаётган 169 та корхонада камерал ва профилактик назорат тадбирларини амалга ошириш, назорат касса машиналарини, статистик кузатув услублари асосида сарфлаётган энергия ресурслари сарфини, савдо терминалларининг доимий ишлашини назоратга олиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, сессияда вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси раҳбарининг ҳудудлардаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалардаги қурилиш ишларининг бориши юзасидан ҳисоботи тингланди. Вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қабул қилинган қарорларга ўзгартиришлар киритилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ёшлар ойлиги доирасида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остидаги фестиваллар ўтказилмоқда. 23 июнь куни Самарқанд шаҳрида мазкур ёшлар фестивалининг асосий тадбирлари бошланди.



Дастлаб буюк бобокалонларимиз Амир Те-

БЕШ БОСҚИЧЛИ "БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ"

Фестиваль "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги Street ball спорт мусобақасининг республика босқичи билан давом этди. Самарқанд шаҳридаги спортнинг ўйин турлари ва энгил атлетикага ихтисослашган спорт мактабида ташкил этилган якуний босқичда республиканинг барча ҳудудларидан 500 нафардан зиёд ёш спортчилар ғолиблик учун баҳслашмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида шаҳардаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида Street workout мусобақасининг республика босқичига старт берилди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан 244 нафар ёш иштирок этмоқда.

Мусобақада республика миқдоридаги маҳаллаларининг 6,5 миллион нафарга яқин ёшлари қамраб олинди, - дейди Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими Отабекжўжа



ИҚТИДОР, МАҲОРАТ, ШИЖОАТ ТАНТАНАСИ



Собитов. - Якуний босқич ғолиби бўлган жамоаларга пул мукофотлари топирилди, уларнинг маҳаллаларида Street workout майдончаси қуриб берилди. Тадбир давомида мусобақага ҳакамлик қилган спорт усталари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ФАОЛ ТАЛАБАЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Фестиваль доирасида Самарқанд давлат тиббиёт университетида ҳам турли танловлар, интеллектуал ўйинлар, кўргазмачи чиқишлар ва спорт мусобақалари ўтказилди. Кечки пайт уюштирилган гала-концерт олдидан вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов фаол талабаларни тақдирлади.

"Мўъжиза" амфитеатрида Самарқанд давлат университети талабалари иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Бу тадбирда ҳам вилоят ҳокими иштирок этиб, ёшларни байрам билан табриклади. Фестиваль доирасида ташкил этилган турли танловларда ғолиб бўлган талабаларни рағбатлантирди.

ҲОКИМЛАР "ЗАКОВАТ"ДА ҚАТНАШДИ

Ёшлар фестивали доирасидаги "Заковат" интеллектуал ўйини Самарқанд туманидаги "Конирил" туризм қишлоғида ўтказилди. Унда барча жамоанинг сардори сифатида туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирок этди.

Ҳоким тақлимнинг қўллаб-қувватлади. Шахсан мени вилоят ҳокими ўринбосари Зебо Раҳмоновага "устоз-шогирд" аънаъаси бўйича бириктирди.

Тадбирда вилоят ҳокими битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича платформа яратиш тақлимни билдирди.

Тадбирда талабалар муражаатлари ечими бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎҚУВЧИЛАР "ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ОЛИМПИАДАСИ"ДА ҚАТНАШДИ

Олий таълим муассасаларида умумтаълим мактабларининг 10, 11-синф ўқувчилари ўртасида 14 та фандан "Вилоят ҳокими олимпиадаси" ўтказилди. Хусусан, Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетиде ўқувчилар биология фани бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

- Бу каби тадбирлар биз - ёшларни янада жипслаштириб, ўз иқтидоримизни намоён этишга имкон беради, - дейди Тойлоқ туманидаги 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Маржона Қажҳорова. - Жараёнда тўплаган тажрибамиз республика ва халқаро олимпиадаларда асқотади.

Фестивал иккинчи кунининг иккинчи ярми ҳам тадбирларга бой бўлди. Вилоятдаги 8 та олий таълим муассасасида "Кўвноклар ва зукколар", "Мунозара", нотиклик санъати, китобхонлик, дастурлаш ва эстрада ижрочилиги бўйича танловлар ўтказилди. Шунингдек, "Заковат" интеллектуал ўйини ва футбол мусобақаси ташкил этилди.

Танловлар ташкил этилган олий таълим муассасаларида кечки пайт якуний гала-концертлар, ғолибларни тақдирлаш маросимлари ўтказилди.

"Мўъжиза" амфитеатрида эса Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестрининг концерт дастури тақдим этилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Фазлиддин РЎЗИБОЕВ,
Аскар БАРОТОВ,
"Зарафшон" мухбирлари.**

Диёра Келдиёрова икки карра "Катта дубулға" турнири ғолиби


**Мўғлистонда дзюдо бўйича ўтказилаётган
"Катта дубулға" мусобақасининг биринчи кунги
баҳслари якунланди.**

Унда 52 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини химоя қилган пастдаргомлик Диёра Келдиёрова олтин медални қўлга киритди.

Ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимиз россиялик Алёса Кузнецовага имконият қолдирмади ва "Катта дубулға" турнирининг икки карра ғолибига айланди.

У ўтган йил Испаниялик Эстрелла Шериф Лопесга қарши татамига чиқиб, ўзбекистонлик дзюдочи қизлар орасида илк бор "Катта дубулға" турнирида чемпион бўлган.

Аҳамиятли томони, Диёра мазкур турнирда олтин медал билан бирга, "Париж-2024" Олимпия ўйинлари учун 500 рейтинг очкосига ҳам эга бўлди.



мур,
Мирзо
Улугбек ва
Алишер Навоий
хайкаллари пойига
гуллар қўйилди. Маросим-
ларда вилоят ҳокими Э.Турди-
мов, фаоллар ва кенг жамоатчилик
вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Ҳа, шундай. Ободлик, қулай турмуш шароити аввало, вилоятимиз аҳли учун яратилгани, бунга ўзимизни дахлдор деб билиб, ишларга ҳисса қўшимиз, қўллаб-қувватлашимиз, ҳеч бўлмаганда, бу ишларга халақит қилмаслигимиз керак.

Албатта, замон талабига мос инфратузилма ва сервис Самарқандга келадиган меҳмонлар, сайёҳлар оқимининг ошишига ҳам хизмат қилади. Ахир сайёҳлик Самарқанд иқтисодиётининг, турмушимизнинг бир бўлиги. Аслида бу ҳам бизнинг фойдамизга - меҳмон қанча кўп келса, барака мўл бўлади.

Бугун юртимизнинг, хусусан, вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида кенг қўламдаги қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари

Самарқандни ким обод қилади?

Бу ишни сизу биз, ўзимиз бажаришимиз керак

амалга оширилмоқда. Бунинг учун республика ва маҳаллий бюджетдан салмоқли маблағ ажратилмоқда. Ободлик, фаровонликка ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун катта-катта қурилишларни амалга оширмоқда. Буларнинг барчаси Самарқанднинг яна ҳам гўзал бўлишини таъминлаётти.

Айниқса, Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кўламини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Авваллари бир-икки йил чет мамлакатда бўлганлар Самарқандга келиб, шаҳарнинг ўзгариб кетгани-

ни айтса, ҳозир бир-икки ой вилоят марказига келмаганлар янгиликлардан ҳайратга тушмоқда. Бу баландарвоз гап эмас, бунга зарурат ҳам йўқ. Ана, Самарқанд шаҳридаги Бўстонсарой, Рудакий, Ибн Сино, Садриддин Айний, Регистон кўчаларини, Университет хийбонини бир сайр қилинг, атрофга боқинг - янгиликларни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Ёки Уста Умар Жўракулов кўчаси, Самарқанд эшак эшиш канали атрофидаги яратувчилик ишларига назар солинг. Самарқанд халқаро аэропорти ва унга туташ ҳудуддаги қурилиш ишлари кўламини бир кўз олдингизга келтиринг. Зарафшон дарёсида қури-

лаётган кўприк, Қорасув, Ширин массивларида давом этаётган ишлар, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг янги қиёфа касб этаётгани ва яна ўнлаб, юзлаб шундай юмушлар сизу бизнинг кўз ўнгимизда, самарқандликлар ва меҳмонлар учун амалга оширилмоқда. Бу янгиликларни, яхшиликларни тан олиш, хурсанд бўлиш керак-ку.

Афсуски, ғалати феълимиз бор. Қанча имконият, қулайлик яратилса, яна ҳам кўпрогини истаймиз. Кичик бир ноқулайлик олдида ана шу улкан бунёдкорлик ишлари кўзимизга кўринмай қолади. Давлат қаерга қараётти, раҳбарлар нима қиляпти, деймиз. Менчи, ўзим ҳаётим яхши бўлиши учун,

маҳаллам, шаҳрим ободлиги учун нима қилдим, деб савол бермаймиз, буни ҳис қилмаймиз.

Ушбу ҳафтада вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг Самарқанд шаҳри ва тумани фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва бошқа мутасаддилар билан учрашувларида шу саволлар ўртага ташланди.

Мазкур икки ҳудудда мисли қўрилмаган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, айрим маҳаллаларда одамларнинг бефарқлиги, яқинда юксак ишонч билдирилиб, иш бошлаган раисларнинг аҳолини ўз ордидан эргаштира олмаётгани танқид қилинди. Уйи олдида бир

туп дарахт ёки гул кўчати экмайдиغان ёки экиб берилганини ҳам парвариш-лаб, асраб-авайламайдиган кишилар борлиги афсус билан қайд этилди.

- Жорий йилда Самарқанд йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилади, - деди Э.Турдимов. - Бу жараёнда Самарқанд шаҳри ва туманида жуда катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳўш, биз бунга қандай ҳисса қўшамиз, ўз маҳалламиз, хонадонимизни саранжом-саришта қилиб қўйдимки? Бунга ўзимизни масъул деб билишимизми? Бугун ҳар бир самарқандлик ўзига шундай саволлар бериши керак.

Учрашувларда ҳар бир маҳалладаги бугунги ҳолат таҳлил қилиниб, оқсоқоллар ва мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Журналистларнинг касбий фаолиятини химоя қилиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустақамлаш, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир. Шавкат МИРЗИЁЕВ.



ХОЛИС ФИКР, ҲАҚ СЎЗ ЖАРЧИСИ

Газета юки оғир, журналист масъулияти катта. Буни чуқур ҳис этган "Зарафшон" газетаси бир асрдан зиёд вақт ўтдики, жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ўзгаришларни холис фикр, ҳақ сўз билан ёритиб келмоқда. Мен ҳақиқат жарчилари – бой тарихий аъналарига содиқ, қалами ўткир, сўзи бурро, заҳид журналистлар фаолият юритган ушбу даргоҳда қарийб қирқ йил ишладим.

Газетада чиққан мақола хоҳ илимий, тарихий, хоҳ танқидий бўлсин, ўқувчиларини бефарқ қолдирмайди. Газета уларни кувончу ташвишлари, фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва истакларини жамоатчилик билан баҳам кўрадиган минбарга айланган. Одамларнинг эркин ишлаши, яшашига муаммо туғдираётган нуқсонлар ҳақидаги муҳожаатлари ҳамма жойда ҳам мутасаддилар томонидан эътиборга олинавермайди. Бу борада "Зарафшон" аҳолининг яқин кўмакчисига айланган. Қайси соҳага тегишли бўлмасин, жамоавий, шахсий ариза ва муҳожаатлар тахририят томонидан қатъий назоратга олинган ва мутасаддилар кўмағида ижобий ҳал этилади. Баъзан жойлардаги ўзибуларчилик, лоқайдлик, кўзбўямачиликлар ҳақида танқидий мақолалар ёзишимизга тўғри келади. Аммо бу ҳаммага ҳам ёқавермайди. Тахририятга, муҳбирга танқид қилинган шахслар томонидан таъзият ўтказишга уринишлар бўлиб туради. Айрим мансаблар, бюрократик иш услубига ёпишиб олган раҳбарларнинг танқидий мақолалар уларнинг мавжуд нуқсонларини тўзатишига эътиборини жалб қилиш учун ёзилганини тан олгиси келмасди. Оқибатда эса...

Ўшундан, 1987 йил тахририят топшириғи билан ўша пайтда байроқдор, собиқ иттифокнинг "Динамо" жамиятига қаршли Самарқанд трикотаж фабрикаси иш таърихидан ёритиш учун мақола тайёрлашга юборилди. Фабрика директори мақсадимни эшитгач, дағаллик билан газета қайси ташкилотнинг наشري эканлигини сўради. Ажабландим - ҳазиллашяптими ёки чиндан сўраяптими? Босиқлик билан виллоят партия кўмитаси газетаси эканлигини айтдим. У мийиғида кулиб, пичинг билан "Биз Москвага бўйсунамиз", деди. "Унда обкомга кўнгириқ қилиб, гапингизни етказаман", деб ўрнидан турдим. "Тўхтанг", деди у шаштидан туриб. Кейин партокм йигитга зарда билан буюрди: "Фабрикани айлантингиз, кўрсин".

Фабрика билан танишиш жараёнида директор нега асабийлашганини тушундим. Асосан хотин-қизлар меҳнат қиладиган цехлар зах, қоронғи, дастгоҳлар эскириб кетган. Аёллар кийинадиган, ювинадиган хоналар хароб.

Фабриканинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан танишдим. Пуллик хизмат натижалари яхши - ҳар ойда режа 110-120 фоиз

бажарилган. Кўзбўямачилик худди шу кўрсаткич остида яширинган. Спорт кийимлари, куртка тикиш бўйича режа атиги 35 фоизга удаланган. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи буни тикув материалари узилиб қолгани билан изоҳлади. Суриштирув жараёнида маълум бўлишича, пуллик хизматлар кўрсаткичларда режанинг ортиғи билан бажарилиши фабрика фаолиятида назарда тутилмаган қўлқоп, коржома, ёстиқ жилдлари, салфеткалар тикиш ҳисобига экан.

Хуллас, ахвол фабрика иш таърихидан тарғиб қилишга зид эди. Тахририятга қайтиб, бу ҳақда бош муҳаррир Марди Нуридидиларга гапириб бердим. У киши "Ишончли далилларингиз етарли бўлса, танқидий мақола ёзинг, холис бўлсин", деди. Эртасига газетамда "Олма пиш, оғзимга туш ёхуд шухратпарастлик соясиди кўзбўямачиликлар" сарлавҳали танқидий мақола чиқди.

Албатта, ўзи хон, қўланкаси майдон раҳбарга бу ёқмади. Устиндан обкомга арз қилди. Мақола унинг обрўсига путур етказиш учун қасддан уюштирилган эмиш. Обком тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирига текширув ўтказиб, масалани обком бюросига киритиш топширилди.

Обком комиссияси фабрикадаги ҳақиқий ахволни жиддий текширд. Мен мақолада келтирилган кўзбўямачилик ҳовла экан. Комиссия бошқа яна кўп молиявий қонунбузарликларни аниқлади.

Хуллас, мақола обком бюросида қўриб чиқилиб, директор вазифасидан бўшатилди. Бундай воқеалар бошқа ҳам-касбларим билан ҳам кўп содиқ бўларди. Ҳатто иш судгача етиб борган ҳоллар бўлган. Аммо ҳамиша холис фикр, ҳақ сўз ғолиб чиққан.

Ҳозир янгича замонада яшаёмиз. Янгилликлар, ўзгаришлар кўп. Одамларнинг матбуот, телевиденида бўлган ишончи янада ортган. Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши, оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ қонун ва қарорлар ҳамкасбларимизни ҳақ сўз айтишга илҳомлантирмоқда. Халқимизнинг орзу-умидлари, кувончу ташвишлари билан яшаётган журналистларни қўриб, уларга яратилаётган имкониятларни эшитиб ғурурланаман.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ, Фахрий журналист, "Дўстлик" ордени соҳиби.

ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА

- Дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, нуфузи ва салоҳиятига эга бўла бораётган янги Ўзбекистон глобал ахборот майдонида кечаётган жараёнларнинг бирортасидан четда қолаётгани йўқ. Бу ҳолат ахборот ва матбуот тушунчалари янгиланаётганида, журналистика жадал эврилишга юз тутаяётганида, оммавий коммуникация-мулоқот одамлар ҳаётининг ажралмас бўғинига айлана бораётганида, аънавий ва замонавий оммавий ахборот воситалари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ўртасидаги тафовутлар соҳа эгаларини рақобат майдонига чорлаётганида ва ҳоказоларда яққол кўзга ташланмоқда.

Матбуот, оммавий ахборот воситалари ёки журналистика деганда ортиқча изоҳга зарурат қолмасди. Замонавий электрон оммавий ахборот воситалари имкониятлари кенгайгани, хусусан, интернет тармоғи оммалашгани сайин оммавий коммуникация воситалари тушунчаси соҳада пешқадамликни қўлга ола бошлади. Замонавий эркин жамиятда оммавий коммуникация, яъни оммавий мулоқот эҳтиёжи шу қадар кенг қўлоқ ёзмақдаки, унинг миқёси, қўлами, аҳамияти муаммоларини тасвирлаш учун жилд-жилд китоб озлик қилади. Фикримизни Ватанимиз мисолида изоҳлайдиган бўлсак, кейинги 5-6 йилда халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган оммавий мулоқот муҳити вуждуга келди. Холис айтиладиган бўлса, бир ярим асрлик миллий матбуот ва ахборот майдонимиз ҳозиргидек эмин-эркинликни билмаган, кўрмаган, қузатмаган.



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, филология фанлари доктори, профессор:

Ҳатто кўзлари бир мuddат бу ёруғ оламни кўрмай қолганда ҳам қаламини ташламади. Аксинча, тезроқ соғайиб, жараёнга қайтишни, одамларга ёрдами тегишини ўйлаб, тушунликни енгди. Ҳатто суиқасд уюштиришганда ҳам иродаси бўкилмади. Нафақат Самарқанднинг чекка туманлари, балки қўшни вилоятларда ҳам ҳафталаб бўлса-да, хизмат сафарига юриб, одамларнинг муаммоларини ўрганиб, таҳлил қилди, алапоқибат ушбу масалалар ижобий ечим топди.

Гап самарқандлик кўплаб журналистлар, айниқса, шу касбни танлаган аёлларнинг устози, журналист, "Шухрат" медали соҳибаси Гулчехра Алибоева ҳақида кетмоқда. Тўғриси, Гулчехра опа ҳеч кимга интервью бермаслигини яхши билганим ҳолда суҳбатлашишга изн сўрадим. Табиийки, рози бўлмадилар. Гулчехра опани талабалигимдан билганим учун у кишининг ёзган мақолалари, бошидан кечирган воқеалардан хабарим борлигини, ўшаларни тўплаб ёзаман, деганимдан сўнггина баъзи ҳолатларга изоҳ бердилар.

- Жуда кўп танқид ёзганингиз учун сизни Қалампирхоним, деб аташгани ростми?

- Шундай. Танқид ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмаган. Журналистни танқид қилишгани учун мудом ёмон кўришган. Тўғри, минбарларда, расмий давраларда танқид ҳақида жуда яхши фикрлар айтишади. Аммо танқиддан сўнг фақатгина муаммоси ҳал бўлган одамлар миннатдорчилик билдиради.

- Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ушбу миннатдорлик тўғрисида қасбнингизга содиқ қолганмисиз?

- Айнан касбим тўғрисида қийинчиликларга дуч келганим йўқ. Мен касбимни ҳаётимнинг бир бўлағи сифатида қабул қилганман доим.

- Бошқа вилоятда бир неча кунлаб қолиб кетганингиз эвазига қаттиқ совуқдан жиддий хасталикни бошидан кечиргансиз-ку.

- Тўғри, Қашқадарёга, оdatдаги шикоятлардан бирини ўрганишга борганимда муаммонини ўрганиш мен ўйлаганимдан ҳам кўпроқ вақт талаб қилди ва уч кундан кўпроқ қолиб кетишгима тўғри келди. Бунинг устига ҳаво кескин совиб, қор ёғди. Юпун қийиниб борганман, кунни билан жойларда юришга тўғри келди. Самарқандга қайтганимдан сўнг хароратим кўтарилиб кетди. Бир неча кун ўтган эса кўзларим кўрмай қолди, ўша тобда додлаб юборганим ёдимда. Дарҳол шифокорларга бордик, таърибали тиббиёт ходимлари текширув ўтказгач, қаттиқ шамоллаш натижасида шундай ҳолга тушганим маълум бўлди. Шифокорлар мени тинчлантириб, даволангач, кўзларим яна кўришни айтиб, тасалли беришди. Тўрт ой шифохонада муолажа олишимга тўғри келди. Ярим йилдан зиёд вақт мобайнида ишга чиқмасликка мажбур бўлдим.

- Ҳатто шу воқеадан сўнг ҳам касбингизга нисбатан муносабатингиз ўзгармади? Ишламагансиз, молиявий жиҳатдан ҳам қийналгандирсиз?

- Бу воқеага касбимнинг алоқаси йўқ, деб ўйлайман. Пешономда шундай бўлиши ёзилган экан, қолаверса, юқорида таъкидлаганимдай, ўзимнинг эҳтиётсизлигим, совуқдан ҳимояланмаганим сабаб бўлган. Молиявий жиҳатдан ўша пайти ишлаган "Туркистон" газетаси мени қўллаб-қувватлаган. Умуман, журналистик фаолиятимда ушбу газетанинг аҳамияти беқиёс. 90-йилларда "Туркистон" нафақат ёшларнинг, балки бутун ўзбекистонликларнинг севимли газетасига айланиб улгурганда. Адади бир миллион нусхага чиққан йиллар ҳам бўлган. Ҳар бир сонидан албатта, танқидий, таҳлилий, кишини уйғат

Мактаб директорига диктант ёздирган

ЖУРНАЛИСТ



толдирадиган, фикрлашга ундайдиган мақолалар бўларди. Айтмоқчиманки, бемор ётган пайтларим устозимиз Жаббор Раззоқов ойлик маошимни сақлаб қолган. Гарчи менга вақтинчалик ногиронлик расмийлаштириш лозим бўлса-да, аммо бунга қўнмаганман. Пулсиз ўтирсам ҳам ногиронликни расмийлаштирмайман, деганман.

- "Туркистон"даги йилларингиз журналистик фаолиятингизнинг энг муҳим босқичи бўлган, деб айтолмасизми?

- Албатта, "Туркистон" мени журналистик сифатида тоблади, ушбу газета менга соҳанинг энг нозик асрорларини ўргатди, профессионал журналистни шакллантирди. Аммо менинг илк омадим - ҳали талабаликдан кучли журналистлар даврасида иш бошлаганим бўлса керак. Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимдаёқ "Ленин учқуни" газетасида иш бошлаганман. Айнан шу тахририятда Ёқуб Раҳимов, Ҳамза Имонбердиев, Ёқуб Раҳимова, Абдусайд Қўчматов, Муяссар Отажонова каби таърибали журналистлар билан ёнма-ён ишлаш, уларнинг ўғитларини олиш насиб этган менга. Шу ердаги нафақат самимий ижодий муҳит, балки қаттиққўллик ҳам менга бир умрлик сабоқ бўлган. Устозимиз Қулман Очиллов битта мақолани керак бўлса, ўч мартагача ёздирган пайтлари бўларди.

- "Туркистон" газетасининг Самарқанд, Навоий, Бухоро бўйича вилоят муҳбири бўлиш аёл кишига қийин бўлмаганми?

- Осон бўлмаган, албатта. Лекин юқорида айтганимдай, касбимдан завқ олганим, одамлар билан гаплашиб, уларнинг ҳаётини тасвирлаш, танқидий мақолалардан сўнг муаммоларнинг ҳал этилиши кишига куч беради.

- Уша ўтган асрнинг 90-йиллари ҳар бир мақолангиз машҳур бўлгани ҳақида эшитганимиз.

- Биласизми, ўша йиллари "Туркистон"даги ҳар бир мақола ўқишли, долзарб мавзуларни кўтариб чиққани билан эътиборли бўларди. Айниқса, устозларимиз сарлавҳаларга алоҳида эътибор қаратар, ҳатто яхши сарлавҳага муқофот пули ҳам ёзиларди. Қонда-миз ҳам шунга монанд эди: сарлавҳа - ярим баҳо, фамилиянг - озинг. Яъни, сарлавҳани ўзи мақолага баҳо беради, ҳар бир мақола остида эса ўз имзонинг бўлади, шунга мос тарзда ҳаракат қилиш лозим. Доим шу қоидаларга амал қилганимиз. "Юз"имизга доғ туширмас-

лик учун тинимсиз меҳнат қилар, изланардик. "Тинчлик кўчасидаги нотинч йигит", "Дарвозахонадаги аёл", "Омонат қўйилган ғишт", "Ўзим нур бўлман кўзларингизга" каби сарлавҳалар шуларнинг баъзилари.

- "Омонат қўйилган ғишт" мақоласи қаҳрамонлари, яъни ўқитувчилардан диктант олганингиз ростми?

- Чекка туманлардаги мактабдан у ердаги таълим сифати пастлиги, директор педагогикдан йироқ бўлган ўнлаб қариндошларини ўзи ишлайдиган мактабга жойлаштиргани билан боғлиқ шикоят келиб тушганди. Ўрганиш учун борганимда шикоятда келтирилган вақтлардан ҳам кўра жиддийроқ муаммолар борлигига дуч келдим. Афсуски, туман халқ таълими бўлимидагилар ҳам уларни ҳимоя қилиб турибди. Шунда мутасаддиларга ўз туманидаги камчиликини яққолроқ кўрсатиш учун ўша мактабдаги барча педагоглардан диктант олишларини сўрадим. Диктантни текшириш учун бошқа мактабдан ҳолис ўқитувчини чақиртирдим. Диктантни бўялмаган, тўғрироғи "икки" баҳо олганма ўқитувчи йўқ эди, ҳисоб. Шундагина халқ таълимидагилар, директор ҳам мулзам бўлиб, ўзини оқлай олмади қолди. Умуман, мактабдаги ҳақиқий ахвол директорнинг хонасига кириб борганимдаёқ маълум бўлганди. Директор синиқ стол-стулда ўтириб, стули остига ғишт тираб қўйган экан. Нафақат мактаб ахволи, балки таълим сифати ҳам омонат эканлигини аниқлаш мақсадида "Омонат қўйилган ғишт" сарлавҳаси билан мақола чоп этилди.

- Сиз шикоятни ўрганиш учун борган ҳудуд раҳбарлари тайёрларик қўриб қўйган, дейишди. Мисол учун, Навоий вилоятга борганингиз маълум бўлганда, мутасаддилар сизни аэропортда кутишган, сиз эса автобусда бориб, муаммоларни ўзингиз, раҳбарларсиз ўрганишга киришиб кетган экансиз.

- Шундай воқеалар ҳам бўлган. Юқорида айтганимдай, ҳар бир амалдор танқидни хаспўлашга, камчиликларни яширишга уринади. Шундай экан, журналист бундай вазиятда ўз позициясини кўрсата олиши, ҳам одобини, журналист этикасини сақлаган ҳолда, шунингдек, мавжуд муаммони ҳам атофлича, холис ўрганиб келиши лозим.

- Нафақат танқидий мақола-лар, балки инсон ҳаёти, фаолияти, кечинмалари билан боғлиқ мақолаларингиз ҳам анчагина шов-шув

бўлганини эслаймиз. Дейлик, ўз жонига қасд қилаётган аёлларни кўпчилик жамиятга нисбатан исён деб бонг урган бир пайтда сиз бу масалага умуман бошқача нуқтаи назардан ёндашиб, мақола ёзгандингиз.

- Ўз жонига қасд қилиш жамиятга нисбатан исён эмас, ожизлик, деб тушунганман. Ҳозир ҳам бу борада фикрим ўзгармаган. Исён ўз жонига қасд қилиш эмас, ўз овозини, борлигини билдириш, курашиш, интилишдир, асло ҳаётга нуқта қўйишга ҳаракат эмас. Бунга қарама-қарши ўлароқ имконияти чекланган бўлишига қарамай, яшаш учун курашаётган, оёғида сурат чизаётган, қўлсиз бўлса-да, тикиш қилаётган, оёқсиз бўлса-да, турли-туман буюмлар ясаб, гўзаллик яратаётган инсонларни, ўзим суҳбатлашган қаҳрамонларни мисол сифатида келтирганман. Мақолага нисбатан кўплаб муносабатлар билдирилди. Кўпчилик мақола орқали ҳаётга бошқача назар билан қарашни ўрганиганини айтган бўлса, улар орасида нега аёл киши бўла туриб, уларни тушуниш ўрнига қоралаганимдан норозилик билдирганлар ҳам бўлган. Юзлаб мактуб олганман шу мақоладан кейин.

- Бир мақолангиздан сўнг сизга суиқасд уюштиришгани ҳам ростми?

- Рост, лекин бу ҳақда гаплашмаганимиз маъқул.

- Уйингизгача боришгани, машинада уриб кетишга уринишгани ва шундан сўнг ҳаётингиз хавф остида қолгани тўғриси анча пайт ишга чиқмагансиз, билишимизча. Нега орадан ўнлаб йиллар ўтса-да, бу ҳақда гапиришни истамасиз?

- Бу жуда жиддий танқидий мақола эди. Мақола эълон қилинган ҳақда республика миқёсидаги раҳбарлар ҳам бу масалага аралашган эди. Мақоладаги фактларни уларга исботлаб берганимдан сўнг бир неча кишига қамоқ жазоси берилган эди. Тўғри, баъзи уришишга бўлганидан сўнг тахририят мени ҳимоя қилиш учун бир мuddат ишга чиқмаслигимни таъминлади, кейинчалик эса шикоят ўрганишга камроқ жўнатадиган бўлишди.

- Бугунги журналистиканинг қайси жиҳати сизга унчалик ёқмайди, қайси томони маъқул?

- Тезкорлик ошгани, ҳар бир воқеа-ҳодиса ўз вақтида бериб борилаётгани технологиялар билан боғлиқ бўлса-да, аммо журналистиканинг ҳам ютуғи. У ўз-ўзидан журналистларни ҳам тезкор ишлашга ўргатди. Аммо таҳлил, у ёки бу воқеага нисбатан чуқур ёндашуви мақолалар барибир камроқ. Жиддий сиёсий таҳлиллар, журналистиканинг қатор жанрлари йўқолиб кетаёзгани афсусланарли.

- Сухбатингиз учун раҳмат.

P/S. Шу пайтга қадар Гулчехра Алибоева ҳеч қайси нашрга интервью бермагани рост. Негалигини сўрганимда елка қисиб қўя қолдилар. Бу одмилик ортида ўзини кўз-кўз қилмасликка интилиш, ёзган мақолаларни ўз вақтида кимгадир ёрдами теккан, шунинг ўзи билан таскин топган матонатли журналист қиёфасини кўриш мумкин. Гулчехра опа "Туркистон" газетасидан сўнг "Халқ сўзи" газетасининг виллоят бўйича муҳбири, кейинчалик Самарқандда нашр этилган "Регистон" газетасининг муҳаррири вазифасида узоқ йиллар фаолият кўрсатди.

Гулруҳ МЎМИНОВА суҳбатлашди.

Хар гулнинг ўз ҳиди бор

УЛФАТЛАР ДАВРАСИДАГИ ГУРУНГ

Таниш-билиш ва улфатлар даврасидаги бир суҳбатда “Бугунги кунда бизда журналистикадаги аҳвол қандай?” деган савол беришди.

– Яхши, эл қатори, – деб жавоб бердим.
– Яхшимас-ов, – деб гап олди даврадагилардан бири.

– Телевизор газеталарни “синдирди”.

– Бу гапингиз унчалик тўғри эмас, – эътироз билдирдим мен. – Телевидение ҳам оммавий ахборот воситаларидан бири.

– Барибир телевидение газеталардан ўзиб кетди, – дея давом этди у.

Индаматим. Индаганда ҳам нима дея олардим. Унга жавоб қайтариш ўрнига босма нашрларга муносабат бўйича ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ҳаёлимга келди.

ЎҚИШ УЧУН ЭМАС, ТАХЛАМ УЧУН КЕРАК

Шахсий иш бўйича давлат идораларидан бирига бориб қолдим. Касбим тақозоси туфайли ёки қизиқиш устун келдим, кўзим қабулхона бир бурчагидаги чанг босиб ётган газеталарга тушди. “Эҳ-ҳе, – дедим газеталарга ишора қилиб, – тоғ бўлиб кетибди-ку. Уларни ўқимасизларми? Ҳеч бўлмаса, ходимларга, газетачи қизиқувчиларга тарқатмайсизларми?”

– Ўқимайди, – жавоб қилди котиба.
– Уларни муқовалаб, тахлам қилиш учун сақлаб ўтирибмиз.

Унинг бу бепарво гапларидан ҳам журналист сифатида ўзимга, ҳам шу идора мутасаддиларига ачинаиб кетдим. Ва ўйга толдим: нега газеталар ўқиш учун, янгиликлардан, воқеалардан хабардор бўлиш учун эмас, фақатгина тахлам қилиб қўйиш учун керак бўлиб қолди. Босма нашрларнинг бу аҳволга тушишига кимлар ёки нималар сабабчи?

ҲАРБАГА БИР НАЗАР

Агар юртимизнинг қайсидир ҳудудида босма нашрлар, бошқача айтганда, газеталар ўқиш учун эмас, фақат тахлам учун чоп этилаётган бўлса, нимага дунёнинг ривожланган мамлакатларида газеталарга чанқоқлик хали-ҳануз юқори. Нима учун, айтилик, европалик ёки араб мамлакатларининг аксарият фуқаролари эрталабдан ишони газетга ўқишдан бошлайди. Бу хил мамлакатларда газета нари турсин, ҳатто қалин-қалин журналлар ҳам қўлма-қўл бўлиб кетади. Нега, ахир, нега?

Ана шу “нега”ларга мен анча вақтдан буюн жавоб излайман. Ва ниҳоят ожиз фикрим доирасида бир хулосага келдим.

БОСМА НАШРЛАР ЎРТАСИДА РАҚОБАТ КЕРАК

Абдушуккур Мухаммадқулов деган танишим бор. Узоқ йиллар партия ва давлат идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган.

Янгиликларга, айниқса, газета муталаа қилишга жуда ўч.

Мухбирлик пайтларимда ёзган мақолаларим “Зарафшон” газетасида босилиб чиққанини ҳали ўзим ўқимай туриб, у кишидан телефон орқали эшитар эдим. Демак, газетачи, аввало, қизиқувчан ва содиқ ўқувчи керак. Бундай ўқувчини жалб қилиш ва кўпайтириш учун эса газета тезкор ҳамда ўқишчи бўлиши лозим.

Бугунги кунда чоп этилаётган газеталар ана шу икки талабга жавоб бера оладими? Ўқишчилик нуктаи назаридан баҳоли қудрат “ха”, деб жавоб бериш мумкин. Аммо тезкорлиги хусусида, афсуски, бундай деб бўлмайди. Яъни, тезкор янгилик билан газета орқали жуда кеч танишамиз. Шу нуктаи назардан юқорида айтиб ўтган улфатимизнинг телевизор газетадан ўзиб кетди, деган гапларига қўшилгандай бўлиб қоласан, киши.

Ўй, ундай эмас. Газета ортада қолмаган. Енгилмаган, фақат у узоқ йиллар давомида бир қолиндаги йўлда чопавериб, чопавериб, бироз толиққан, холос. Унга озгина туртки, озгина далда берилса кифоя. Яна олдинги ўринга чиқиб олади. Энди, бу ниятнинг амалга ошиши газеталар жилловини тутган, эгариди ўтирган “чавандоз”ларга боғлиқ.

Вақти келар, газеталар кечки ва эрталабки ҳолатларда чоп этилар, вақти келар, ахборотни тиним билмай, машаққат билан қидириб топган журналист худди Американи кашф этган Колумбдай улуғлар ва ана шу иккита ниятнинг амали йўлида босма нашрлар ўртасида ахборот талашши, кимўзар пойғаси бошланар. Ана шунда кўрасиз газетанинг кучини, қудратини.

Вақти келар, газеталар кечки ва эрталабки ҳолатларда чоп этилар, вақти келар, ахборотни тиним билмай, машаққат билан қидириб топган журналист худди Американи кашф этган Колумбдай улуғлар ва ана шу иккита ниятнинг амали йўлида босма нашрлар ўртасида ахборот талашши, кимўзар пойғаси бошланар. Ана шунда кўрасиз газетанинг кучини, қудратини.

ХУЛОСА

Жамиятга, одамларга оммавий ахборот воситаларининг барча тури бирдай керак. Айниқса, ҳозирги тезкор ва талабчан даврда улар жуда зарур. Уларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси, давр олдига қўйган талаби бор. Айни пайтда ана шу вазифа, талаб йўлида ахборот олиш ва тарқатиш пойғаси давом этиши тарафдоримиз. Уларнинг бирини хушлаш, бирини рад этиш инсофдан эмас. Айтишадими-ку, ҳар гулнинг ўз ҳиди бор, деб...

Сулаймон ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Камол МАТЎҚУБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

– Ҳаёт бу оламда адабиётнинг инсоният учун хизмати мангулигини исботлагани каби газета-журналларнинг ҳам ҳар бир давлат ва жамият учун заруригини намён қилмоқда. Агар интернет тармоқлари ва электрон нашрлар газета-журналлар ўрнини эгаллаши мумкин бўлганида бу ҳолат аввало, юксак тараққий этган мамлакатлар матбуотида рўй берган бўларди.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар устозларимиз миллатни уйғотиш билан миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини қўйган инсонларнинг умидларини рўёбга чиқариш учун ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Жумладан, муборак 90 ёш (1932 йилдан чиқа бошлагани) қарши олган халқ депутатлари Нарпай туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси “Пахтакор овози”нинг ҳам илк сонлари “Қизил Норпой” номи билан латин алифбосида нашр қилинган. Ана шундан буюн ушбу машаққатли йўлда қанча қийинчиликларни бошидан кечириб, ўз касбига меҳр ҳам бундан мустасно эмас. Туман ҳокимлигининг амалий кўмаги билан таҳририят биноси капитал таъмирланди, жиҳозланди. Мухи-

Асрга тенгдош



